

ХУҚУҚИЙ ТАРБИЯДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Отабоев Мухсинжон Муқимжонович

Қўқон ДПИ Математика кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада хукуқий тарбия тизимида оиланинг ўрни, унинг бошқа субъектлар билан алоқаси таҳлил қилинган. Шунингдек, оилада ота-онанинг фарзанд хукуқий тарбиясидаги роли, оилада шаклланадиган хукуқий тарбия компонентлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: хукуқ, хукуқий тарбия, оила тарбияси, хукуқий онг, хукуқий маданият.

Тарбияга янгича, тизимли ёндашув, ўқувчини фаол шахс сифатида шакллантиришда оила, мактаб, давлат органлари ва ижтимоий институтлар ҳамкорлиги, ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришни ва улар орасида педагогик-профилактик ҳамкорликни янги даражага кўтаришни олий мақсад сифатида белгилайди. Тарбияни натижавий амалга ошириш орқали маънавий тарбияни янада ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади¹.

Умумий ўрта таълимда тарбиявий ишларни бугунги қун талабларига жавоб берадиган ҳолатга келтириш учун тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шундан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг хукуқий онгини ривожлантириш асосида улар орасида хукуқубузарликларни олдини олишнинг педагогик имкониятларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқувчиларда ижтимоий-хукуқий билимларини таркиб топтириш кейинги вақтларда юқори даражадаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиётнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда ўқувчиларнинг турли салбий гуруҳларга қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳам учраб тураётганлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун оилада соғлом психологик иқлим яратиш, оила аъзоларининг муносабатларида ўзаро ишонч ва уларнинг муомаласи, оиладаги ўзаро хурматнинг мавжудлиги, албатта ижобий таъсирини кўрсатади. Шунингдек, оилада ота-оналар ўз фарзандларини турли тўгаракларга аъзо қилиши, спорт билан шуғуллантириши, вақтини

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1059-сонли қарори.
<https://lex.uz/docs/4676839>.

бекор ўтказишга йўл қўймаслиги, зарур бўлганда мактаб жамоатчилиги билан ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаши катта аҳамиятга эга. Демак, оиласдаги фарзанд тарбияси – оила ва кундалик турмушда мавжуд бўлган оиласдаги бурч, ҳурмат, садоқат, ор-номус каби анъаналарни авлоддан-авлодга ўтказиш асосида узлуксизлик, тизимлилик билан давом эттиришдан иборат. Шунингдек, соғлом оиласда тарбияланган ўқувчиларнинг ўз ҳақ-хуқуқларини билишлари, фуқаролик жамиятини қуриш ва уни ривожлантириш, тинч-тотув яшашлари учун мунтазам педагогик ҳамкорлик амалда бўлиши лозим.

Ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчилар оиласидаги ижобий ижтимоий мухитни шакллантириш бўйича қўйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

Ёзги таътил даврида алоҳида назорат остида рўйхатда турган оиласарнинг фарзандларини болалар оромгоҳларида маҳсус дастур асосида тарбияланишини ташкил қилиш;

Шундай оиласар бошлиқлари ва фарзандлари учун мамлакатимиздаги тарихий жойлар, муқаддас қадамжолар, мустақиллик йилларида қурилган йирик иншоотларга саёҳат юштириш;

Оила бошлиқлари – эр-хотиннинг тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, улар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг мавжуд қарорларига асосан имтиёзли кредитлар ажратилишини ташкил қилиш;

Маҳаллада «Оиласда ота-она бурчи ва фарзандлар бурчи» мавзусида сұхбатлар ўтказиш ва уларга барча оиласар қаторида носоғлом мухитли оиласар аъзоларини жалб қилиш;

Ушбу масалада ишчи гурӯҳлар, участка нозирлари, таълим мұассасаларининг ҳар күнлик ҳамкорлигини таъминлаш;

Ушбу оиласар аъзоларини иш билан таъминлаш мақсадида маҳаллага йирик тадбиркорлар, корхоналарни таклиф этиш, улар билан учрашувлар юштириш;

Қизлар ва йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш бўйича тўгаракларни ташкил қилиш ва бу тўгаракларга психологларни жалб қилиш;

Маҳаллада санъат соҳасида ҳаваскорлик танловларини ташкил қилиш ва бошқалар.

1-расм. Ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчилар оиласидаги ижобий ижтимоий мухитни шакллантирувчи тадбирлар йўналишлари

Ўқувчилар хуқуқбузарликларини олдини олишда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун республикамизда жиноятчилик ва хуқуқбузарликка мойил ёки уни содир этган вояга етмаганлар (деликвент хулқли), оғир тарбияли, муаммоли ўсмир ёшидаги (адектив хулқли)лар билан ишлаш, уларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш тизимининг самарали фаолиятини ташкил қилиш лозим.

Оила ўқувчиларга хуқуқий тарбия беришда ва таълим тизимининг бошланғич нұктаси ҳисобланади. Оиладаги мұхит фарзандлар ва ота-оналар ўртасидаги, ўзаро муносабат, шаклланган тарбия тизими болаларда хуқуқга бўлган дастлабки қарашларни шакллантиришда мұхим омил бўлиб хизмат қиласди.

Шу маънода жиноятчилик ва хуқуқбузарликка мойил ўқувчилар оилаларида ижобий ижтимоий мұхитни шакллантиришда отанинг ўрни бекиёс, чунки оилада эр ва хотин ўртасидаги маънавий-рухий уйғунлик, яхлитлик, оиладаги яхлит маънавий-ижтимоий мұхитни белгилайди. Аёл руҳияти ва қарашлари билан эркак руҳияти ва дунёқарashi бир-биридан фарқ қиласди. Оилада ижобий мұхитни шакллантиришда ота-онанинг ўрни катта аҳамият касб этади.

Ёшларни аввало оила тарбиялайди. Оилада мұхит ўзаро хурмат, олийжаноблик, ҳалоллик асосига қурилган бўлса, оила бошлиқлари ўз вазифаларига сидқидилдан қарасалар жамиятнинг бундай ячейкасидан яхши фуқаролар етишиб чиқади. Шунинг учун ҳам оилани давлатнинг асосий дейдилар. Шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккири, қомусий билим соҳиби Абу Али ибн Сино ўзининг «Рисолату тадбири манзил» асарида ота-она зиммаига ўта муракқаб ва ҳаётий вазифаларни қўяди. Агар оила бошлиғи тажрибасизлик, нўноқлик қиласа у оила аъзоларини яхши тарбиялай олмайди ва оқибатда ёмон натижа келиб чиқиши мумкин. «оилада ёмон тарбия деб уқтиради олим,- факат шу оиланинг ўзигина салбий таъсир қилиб қолмасдан, балки атрофдаги бошқа оилаларга ҳам салбий таъсир қилиши мумкин»². Ибн Сино кўрсатадики, шароитнинг қандай бўлишидан қатъий назар, бола тарбияси ота-оналарнинг асосий бурчи ва вазифасидир. Ота-она давлат бошлиғими ёки жамиятнинг оддий

² Ирисов А. Ибн Синонинг фалсафий рисолалари. –Тошкент.: Ўзбекистон. 1993. –Б. 20.

фуқаросими, унисидан қатъий назар, бола тарбияси масаласида уларга бир хил талаб қўйилади. Давлат бошлиқлари ва бошқа катта мансабдор кишилар ҳам оила тарбияси масаласида бошқаларга ўрнак кўрсатиши лозим. Шунинг учун ҳам Ибн Сино давлат бошлиғи ва мансабдор шахсларни энг яхши фазилатларга эга бўлишни талаб қилади.

Жамиятнинг энг кичик ячейкаси бўлмиш оиладаги соғлом муҳитни белгиловчи омиллар қуйидагилар:

- ота-онанинг ўзаро ижобий муносабати;
- ота-онанинг фарзандларига нисбатан ижобий муносабати;
- фарзандларнинг ўзаро дўстона муноса-бати;
- диний экстремизм каби ёт унсурларга берилмаслик;
- спиртли ичимликлар, никотин ва нарко-тик моддаларни истеъмол қилмаслик;
- спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш;
- тўғри овқатланиш;
- гигиена қоидаларига риоя қилиш.

Хукуқбузарликка мойил ўқувчилар оилаларида ижобий ижтимоий муҳитни шакллантириш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

- ёзги таътил даврида алоҳида назорат остида рўйхатда турган оилаларнинг фарзандларини болалар оромгоҳларида маҳсус дастур асосида тарбияланишини ташкил қилиш;
- шундай оилалар бошлиқлари ва фарзандлари учун мамлакатимиздаги тарихий жойлар, муқаддас қадамжолар, мустақиллик йилларида қурилган йирик иншоотларга саёҳат уюштириш;
- оила бошлиқлари – эр-хотиннинг тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, улар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг мавжуд қарорларига асосан имтиёзли кредитлар ажратилишини ташкил қилиш;
- маҳаллада «Оилада ота-она бурчи ва фарзандлар бурчи» мавзуусида сухбатлар ўtkазиш ва уларга барча оилалар қаторида носоғлом муҳитли оилалар аъзоларини жалб қилиш;
- ушбу масалада ишчи гуруҳлар, участка нозирлари, таълим муассасаларининг ҳар кунлик ҳамкорлигини таъминлаш;
- ушбу оилалар аъзоларини иш билан таъминлаш мақсадида маҳаллага йирик тадбиркорлар, корхоналарни таклиф этиш, улар билан учрашувлар уюштириш;

- қизлар ва йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш бўйича тўғаракларни ташкил қилиш ва бу тўғаракларга психологларни жалб қилиш;
- маҳаллада санъат соҳасида ҳаваскорлик танловларини ташкил қилиш ва бошқалар.

Хулоса қилганда, ўқувчилар орасида хуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган тизим самарадорлиги оила-маҳалла-таълим муассасалари ва ижтимоий институтларнинг ҳамкорликдаги фаолияти асосида амалша оширилиши ўз натижасини беради. Чунки ўқувчининг ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлардан таъсирланиши ва хулқ-авторидаги ўзгаришларни доимий мониторинг қилиш йўлини яратиш муҳим ижтимоий вазифалардан бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1059-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4676839>
2. Ирисов А. Ибн Синонинг фалсафий рисолалари. –Тошкент.: Ўзбекистон. 1993. –Б. 20.
3. Жабборов Ҳ. “Мафкуравий иммунитетнинг ижтимоий психологик хусусиятлари” мавзусидаги давра сухбати. // Республика Маънавият ва маърифат маркази. 2020 йил 12 апрель.
4. Мусурмонова О. Оилада миллий тарбия - шахс миллий характерини шакллантиришнинг муҳим воситаси. // Ўзбек характерининг ижтимоий психологик хусусиятлари. Илмий амалий конференция тезислари. -Т.: 1999. –Б. 41-62.
5. Эгамбердиева Н. Миллий менталитет ва унинг ижтимоийлаштириш жараёнидаги роли // Халқ таълими. – Т.: 2008. № 1. – Б. 53–55.